

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ МОДДИЙ- ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УНИНГ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА

Солиқ органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси вазирлари ва идоралари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 мартағи 114-сон **қарорининг** республика солиқ органларининг моддий-техника таъминотига оид қисмини бажариш бўйича етарлича иш олиб бормаётганликлари қайд этилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда 1-иловага* мувофиқ давлат солиқ органларини жойлаштириш учун тегишли бинолар ажратилиши тўғрисидаги масалани белгиланган тартибда ҳал этсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари кўрсатиб ўтилган банднинг бажарилиши тўғрисида 1996 йил 1 январгача ахборот берсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети лойиҳасини тузишда хисоблаш, нусха кўчириш-кўпайтириш ва босиш техникаси сотиб олиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ ва божхона органлари тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга оид тадбирларни маблағ билан таъминлаш учун 1996 йилдан бошлаб мақсадли маблағлар ажратилишини 2 — 4-иловаларга* мувофиқ назарда тутсин.

* 1 — 4-иловалар берилмайди.

4. «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 1996 йилга инвестиция дастурини шакллантиришда туман солиқ инспекцияларини жойлаштириш учун бир хилдаги бинолар қурилишини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 1995 йилда солиқ органлари ишининг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда бир хилдаги бинолар лойиҳаларини ишлаб чиқсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 1995/1996 ўкув йилидан бошлаб мактаб, хунар-техника, ўрта маҳсус ва олий таълим ўкув режалари ва дастурларига солиқ қонунчилиги асослари бўйича курс ёки факультатив киритсинлар.

6. Белгилаб кўйилсинки, солиқ органлари ходимларининг лавозим маошларига маҳсус шахсий унвонлар учун қўшимча ҳақ Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 октябрдаги 483-сон қарорига **1-илова** билан тасдиқланган коэффициентлар бўйича лавозим маошидан келиб чиқиб тўланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Давлат солиқ қўмитаси хузурида солиқ ва божхона органларини автоматлаштиришни дастурий таъминлашни ишлаб чиқиш учун хўжалик ҳисобидаги «Янги технологиялар илмий-ахборот маркази» ташкил этиш, шунингдек уни маълумотларни бериш миллий ахборот-ҳисоблаш тармоғининг кичик тизимини яратиш мақсадида давлат муассасалари ва банкларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари билан интеграциялаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда хўжалик ҳисобидаги «Янги технологиялар илмий-ахборот маркази» Уставини, солиқ ва божхона органларининг маҳаллий, минтақавий ва бошқа ахборот-ҳисоблаш тармоқларини ташкил

этиш, жорий этиш ва фойдаланиш тартиби ва қоидалари ҳамда уларнинг давлат муассасалари ва банкларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ва Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ органларининг солиқлар тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш иши самарадорлигини ошириш ҳамда солиқ тўловчиларнинг тўлик хисобга олиниши ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида тушишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсинг.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Баш вазирнинг биринчи ўринбосари И.Х. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
1995 йил 14 сентябрь,
359-сон